



# TIL VA ADABIYOT TA'LIMI



Суратда Тошкент вилояти  
Янгийул туманидаги 64-мактаб-  
нинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси  
Меҳрихон АБДУРАСУЛОВА

№ 1  
2012

*А*

## Mundarija

### Muammolar, vazifalar, yechimlar

**Раъно ТОЛИПОВА.** Тил таълимига оид ДТС  
ва дастурлар ҳақида..... 3

### Metodika

**Nazira SODIQOVA, Muqaddam MO'MINOVA.**  
Ingliz tilidagi predloglarni o'zbek tilidagi kelishiklar  
bilan qiyoslab o'rgatish..... 8

### Adabiyotshunoslik

**Зилола ШУКУРОВА.** Бадиий адабиётдаги  
дев образи ҳақида..... 14  
**Улуғбек ДОЛИМОВ.** Аҳмад Табибий..... 18  
**Мунисжон ҲАКИМОВ.** Жамол Камол шеъриятида  
кўнгил тимсоли..... 30

### Hozirgi adabiy jarayon

**Нодира БОЛТАХОНОВА.** Ижодкорнинг сирли олами.... 35

### Adabiy taqvim

**Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ, Муҳайё ИСМОИЛОВА.**  
Эрк ва ғурур куйчиси..... 43

### Yosh ijodkor minbari

**Озод ЭГАМБЕРДИЕВ.** Халқ тилида куйлаётган шоир.... 64

### Tadqiqotlar

**Хосият НАЗРУЛЛАЕВА.** Фикр ифодалашдаги  
синтактик қурилмаларнинг қиёсий таҳлили ..... 68  
**Маҳфуза ТҮЙЧИЕВА.** Умумтаълим мактабларининг  
5–7-синфлари учун «Адабиёт» дарслиklarини  
яратишда таяниладиган илмий-методик ва  
психологик тамойиллар..... 77

### Nuqtayi nazar

**Бахтиёр Данияров.** XX аср ўзбек алифбоси  
ва ахборот технологиялари тараққиёти..... 89

Таълим  
фанни кири  
йиллар, аср  
ижобий нати  
дан эгаллан  
бўлган кўни

Барча ф  
ситаси ва н  
гилаб берув  
тутади. Чун  
билим олиш  
лари асосид  
лар орқали

Шу боис  
мактаблари  
лари) учун  
таълим ста  
лабаларнин  
талаблар бе

Ҳар бир  
таълим тиз  
ган нутқий  
тилда фойд  
боғлиқ бўла

Жумлада  
ми бўйича  
ган мутахас

## ADABIYOTSHUNOSLIK

### Бадий адабиётдаги дев образи ҳақида

Зилола ШУКУРОВА,  
Низомий номидаги Тошкент давлат  
педагогика университети аспиранти.

Халқ оғзаки ижоди ҳамда бадий адабиётда турли даврларда кишиларга хос ижобий фазилатлар ёки салбий хислатларга эга бўлган қаҳрамон образи сифатида дев образидан фойдаланилган. Жумладан, Рабғузийнинг «Қисаси Рабғузий» асарида Самдун дев ижобий қаҳрамон тарзида намоён бўлади.

Бу дев Сулаймон ҳақидаги қиссанинг асосий қаҳрамонларидан биридир. Қиссада айтилишича, Сулаймон (а.с.) милoddан аввал Исроил давлатида ҳукмронлик қилган яхудий подшоҳларидан бири.<sup>1</sup> У ҳадсиз ҳокимият, куч-қудрат манбаи бўлган узук ва мўъжизавий тахт эгаси бўлган. Барча тирик мавжудотлар, ҳатто инс-жинслар ҳам унинг измига юрган. Ривоят қилишларича, Сулаймон (а.с.) етмиш кеча ибодат қилиб, Аллоҳ таолодан дунёда якка-ю ягона шох бўлишни ва барча учар қушлардан суд-ралиб юрувчиларгача, инс-жинсдан дев-паригача, тоғ-у тошлардан тортиб набот оламигача ўзига бўйсунганини сўрайди. Дуоли ижобат бўлиб, сўраган барча нарсаси берилади. Тўрт минг дев, тўрт минг пари, учар қушлар унинг хизматида шай туришади. Ёзувчи асарда Самдун дев образи тимсолида девларга хос умумий таъриф беради: «Бу Самдун бир дев эрди явлоқ кучлук, ҳайбатлик, Сулаймонга буюнсунмас эрди. Қачон анинг тутқали киши изса, қочиб булутга оғар эрди. Булутга оғсалар,

қочиб тенгизга кирар эрди».<sup>2</sup> Анъанавий тасвир усулидан фойдаланган адиб ҳикоят давомида дев портретини янада ёрқинроқ тасвирлайди. У девларнинг ичида энг чаққони ва макқори бўлиб, Сулаймонга бўйсуншни хоҳламайди. Бироқ Сулаймон (а.с.) енгилмас Самдун девни ўзига бўйсундиради ва ундан озод юрган кезларида нима қилганини сўрайди. Самдун дев Сундурна деган шахарга бориб, турфа хил ажойиботлар кўрганини ва шахар шоҳи Акўз Маликнинг қизи Кунанинг гўзаллиқда тенги йўқ ма-лак эканлигини айтади. Ҳикоятдаги Куна ва унинг саройи тасвири муаллиф фантазиясидан далолат беради. Сулаймон (а.с.) Кунага эришмоқ ниятида Самдун девга куйидагича топшириқ беради: «Ул айганинг қиз қайда ту-рур, манга олиб кел. Аммо ўзга дев, пари; ким эрсанинг илги тегмасун». Бунга жавобан Самдун дев: «Булутга айил тенгизлар тубиндан йинжулар олсун. Кунанинг сарой қалуғинга ёмғирдек ёғсин. Қиз ани кўриб чиқғай. Булут қизни кўтариб санга келтурсун» (41-б.), – деб ҳозиржавоблик ила масалани ҳал қилади. Демак, асарда девлар кучли, айёр, тadbиркор, мушкул муаммоларни бир зумда ҳал қилувчи образ сифатида ҳам намоён бўлади. Буни қиссадан олинган яна бир лавҳада кўриш мумкин. Сулаймон (а.с.) Самдун девни қўлга туширгач: «Эмди ўзингни нетак кўрарсен?» (37-б.), – деб берган саволига девнинг: «Сен Тенгри ялавочи эркликсен, сен қийнасанг қинга лойиқмен, ёрлиқсанг қаримсен» (37-б.), – дея мардларча берган жавоби бу образнинг фақат салбий эмас, балки ижобий хислатларга ҳам эга бўлган мураккаб образ эканлигидан далолат беради. Самдун дев Сулаймон (а.с.) томонидан авф этилгач, унга бўлган садоқатини «Ковон отплиг адоғ(дарёнинг қуйилиш жойи)да» (37-б.) кўрган учар отларни тутиб, унинг хузурига келтириш билан исботлайди.

Учар отлар ҳақидаги ҳикоятда эса девлар ҳар бир вазифага масъулият билан ёндашувчи образ сифатида тасвирланади. Самдун дев Сулаймон (а.с.)га учар отларни тутиш учун мингта дев, минг ботмон юнг ва минг кўза сувга ўхшаш чоғир керак бўлишини айтади. Сулаймон (а.с.) уларни нима қилишини сўраганда: «Девларга буюрурман, ул атоғнинг сувин чиқарурлар, қўй юнги; булоқларнинг тулукларига суқарлар, беркитуррлар. Ул чоғирларни ул қўлларга қўйдурурман. Отлар суе ичмак келсалар, ночор сув ўрнига чоғирни ичиб усургайлар (маст бўлгайлар), уча билмагайлар. Текма бир деега бир от тутиб бергайман, сенга келтургайлар» (37-б.). – дея жавоб беради ва бу ишни тўла-тўқис адо этади.

Демак, қиссада дев образи ҳам жисмонан, ҳам ақлан кучли, салбий хусусиятга эга бўлиш билан бирга, мард, тўғрисўз каби хислатлари мавжуд мураккаб образ сифатида гавдаланади. Шунингдек, оғзаки ижод ҳамда диний манбаларда дев, парилар ҳар қанча сеҳр-жоду билан шуғулланиб, тенгсиз кучи билан мураккаб вазифаларни бир онда бажаришга қодир бўлсалар ҳам, барибир, инсон ақл-идрокига бўйсунмишлари, инсон иродасини амалга оширишга мажбур эканликлари тасвирланади.

Халқ оғзаки ижодидаги дев образлари кўп қиррали бўлиб, улар баъзан одам, баъзан ҳайвон суратига кириб, истаган пайтда турли жойда ҳозир-у нозир бўлишади. Шунингдек, эртақ ва достонлардаги дев образлари орасида одамхўр, ўта салбийларини ҳам, мақсадга етишишида асар қаҳрамонига ёрдам берувчи кўмақдошларини ҳам учратиш мумкин. Умуман олганда, «достонлардаги бу фантастик бўёқ афсонавий руҳ ҳал қилиниши мушкул бўлган масалаларни ижобий тарзда очиб борасида асар қаҳрамонларига ҳомийлик қилиш, ёрдам кўрсатиш учун киритилган ва ўзига хос бир фон бўлиб хизмат қилади».<sup>3</sup>

Фольклоршуносликда дев мифологик образини олимлар турлича талқин этган. Буни турк олими Мурот Ўроз, этнографлар О.Муродов, Г.П.Снесарев, А.А.Диваев, Н.С.Андриев, О.Сухарева, А.А.Семелев, адабиётшунос ва фольклоршунослар И.Е.Брагинский, В.М.Жирмунский, Ҳ.Т.Зарифов, К.Имомов, Ғ.Жалолов, Б.Саримсоқов, Ҳ.Эгамов, М.Муродов, М.Жўраев кабинетнинг тадқиқотларида кўриш мумкин.<sup>4</sup>

Дев образи дoston поэтикасини чуқурлаштиришга, тимсол санъатининг хилма-хил усулларини ифода этишга, асарнинг фалсафий моҳиятини кенгайтиришга хизмат қилади. Фольклор асаридagi дев образи турли гоя, мақсад, фалсафий тушунча тимсоллари бўлиб келади. «Қисаси Рабғузий»да ҳам шу ҳолатларни кузатиш мумкин. Сулаймон (а.с.) ҳақидаги қиссада ёзувчи девларни маданиялашган қиёфада тасвирлаб, уларни энг оғир ишларни бажарадиган образ сифатида талқин этади. Баланд бинолар, кенг майдонлар қуриш учун тоғларни бир жойдан иккинчи жойга кўчириш каби ишлар, асосан, девларнинг зиммасига юклатилади. Г.П.Снесаревнинг таъкидлашича, «Дев образи, энг аввало, қурувчи образидир. Қадимги Хоразмнинг афсонавий шаҳар ва қасрлари айнан девлар ёрдамида қурилган. Айтишларича, Хазорасп вилоятини барло этишида Ковус ва Самандун дев бошчилик қилиб, улар бун Сулаймон (а.с.)нинг буйруғига кўра қуришган экан».<sup>5</sup> Филология фанлари номзоди Т.Матёкубова ҳам ўз тадқиқотида девлар «қадимги давр мифологиясида қурувчи ва сангтарошлар ҳомийси, меҳнат ва машаққатларга бардошли, сеvgида садоқатли ошиқ образ сифатида намоён бўлишини»<sup>6</sup> таъкидлаган. Демак, дев образи қадимги давр мифологиясида бунёдкор, моҳир қурувчи,

садоқатли ошиқ каби эзгу хислатларга эга бўлган ижодий образ сифатида гавдаланса, кейинги давр ёзма адабиётида улар бунинг акси ўлароқ бузғунчилик, нафси бузуқлик, зўравонлик каби иллатларга эга салбий бўёқда акс этади.

<sup>1</sup> И. Ҳаққулов. Занжирбанд шер қошида. Т.: Юлдузча, 1989. 122-б.

<sup>2</sup> Раббузий. Қисаси Раббузий. 2-қитоб. Т.: Ёзувчи, 1991. 37-б. (Кейинги мисоллар ҳам шу манбадан олинган бўлиб, саҳифаси қавс ичида кўрсатилпади).

<sup>3</sup> С. Рўзимбоев. Эртақларнинг дostonлардаги бир функциясига доир // Адабий мерос. Тошкент, 1989. 2-сон (48). 70-б.

<sup>4</sup> Ж.С. Эшонкулов. Ўзбек фольклорига дев образининг мифологик асослари ва бадий талқини: Филология фанлари номзоди... дис.авторэф. Т., 1996. 4-б.

<sup>5</sup> Г.П. Снесарев. Реликты до мусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. М.: Наука, 1969. С. 29-30.

<sup>6</sup> Т.Р. Матқубова. Огаҳий шеъриятида анъанавий образлар талқини: Филология фанлари номзоди... дис. Т., 2001. 79-б.



## Аҳмад Табибий

Улуғбек ДОЛИМОВ,  
педагогика фанлари доктори, Ўзбекистон  
Миллий Университети профессори.

Аҳмад Табибий – XIX аср охири ва XX аср бошларида Хоразм адабий муҳитида фаолият кўрсатган сермахсул ижод соҳиби. У бадий адабиётнинг деярли барча турларида ижод қилди, бетакрор асарлар яратди, устозлари Мунис, Огаҳий, Комил каби ўзига хос шоир, дostonнавис, таржимон, тақриранавис бўлиб танилди.

Аҳмад Табибий шахсияти, ижодий мероси ҳақида дастлаб Мухаммад Юсуф Баёний<sup>1</sup>, рус туркшуноси А.Н.Самойлович<sup>2</sup>, шоирнинг замондоши Ҳасанмуродқори

Мухаммадин Лафасий<sup>3</sup> асарларида маълумот берилган. Лафасий ёзади: «Ферузнинг фармони илан Аҳмаддон дағи Табибий тахаллуси билан шеър машқин қилиб, анча абётлар ёзиб, Ферузга мақбули таъб бўлиб, тўрт мужаллад девон асар таъб қилибдур. Икки мужаллад форсий тилида, икки мужаллад туркий – ўзбек тилида бўлиб, онлардан дигари Ферузнинг фармони билан бир йил муддат ичра жами шуарони тартибга солиб, ёзиб чиқаду».<sup>4</sup>

Аҳмад Табибийнинг ижодий фаолияти ҳақида маълумот ҳамда унинг асарларидан намуналар 1945 йилда атоқли адабиётшунос Олим Шарафиддинов томонидан тузилган «Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси» ва Раҳмат Мажидийнинг «Ўзбек адабиёти» китобида ҳам берилган. Булардан ташқари, Маҳмудали Юнусовнинг «Комил Хоразмий» (Т., 1960), В.Мирзаевнинг «Аваз Ўтар ўғли» (Т., 1961), Ғ.Каримовнинг «Ўзбек адабиёти тарихи» (учинчи китоб, Т., 1985) асарларида ҳам Аҳмад Табибий ҳақида қимматли маълумотлар мавжуд.

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошлари Хоразм адабий муҳити, унинг намояндалари ижоди ҳақида яратилган деярли барча илмий адабиётларда Аҳмад Табибий ижодига оид фикр ва мулоҳазалар учрайди. Масалан, профессор М.Юнусов «Комил Хоразмий» монографиясида Аҳмад Табибийнинг Хоразм адабий-маданий ҳаётида тутган ўрни ҳақида: «Аҳмад Табибий ўзининг маданий даражаси билан бошқалардан ажралиб турган эркин фикрли тараққийларвар шоир бўлган», – деб ёзади.

1968 йилда Ф.Ғанихўжаев «Табибийнинг ҳаёти ва ижодий мероси» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди ва «Танланган асарлар»ини нашрдан чиқарди. Шу билан бирга, 1978 йили «Аҳмад Табибий» (ҳаёти ва ижоди) номли монографиясини эълон қилди.